

International Scientific and Practical Conference on the topic: " Sustainable Architecture – Challenges and Achievement of the Present and Future"

ТОШКЕНТ-СИТИ АРХИТЕКТУРАСИ

Ассистент: УТАНОВА Д.А.

Тошкент архитектура қурилиш университети.

bek_diyora@mail.ru

Мақолада “Тошкент-Сити”нинг қурилиш босқилари, унинг таркибий саккиз қисмлари, ҳар бир қисмнинг жойлашувлари қисқача тарифлари баёт этилган. Худуддаги тарихий жойлар: қабристон, мачжидга эътибор қаратилга.

Статья посвящена Ташкентскому Сити. В ней излагаются этапы его строительства, структуры составляющих восьми частей Сити. Особое внимание обращено историческом памятником: мечети, местам захоронений.

The article is devoted to the Tashkent City. It outlines the stages of its construction, the structures of the eight parts of the City. Special attention is paid to the historical monument: mosques, burial sites.

Калим сўзлар: “Тошкент-Сити”, лот, қурилиш, турар-жой, бизнес марказ, жойлашув, архитектура, масжид, қабристон, осмонўпар бинолар.


Ключевые слова: "Ташкент-Сити", лот, строительство, жилой-дом, деловой центр, местоположение, архитектура, мечеть, кладбище, небоскребы.

Keywords: Tashkent City, lot, construction, residential building, business center, location, architecture, mosque, cemetery, skyscrapers.

Бугун Тошкентда замонавий осмонўпар бинолар кун сайин қад кўтариб бормоқда. Бунга мисол тариқасида 80 гектар ер майдонида қурилиш ишлари жадал кетаётган “Тошкент-Сити” халқаро ишбилармонлар марказини келтириш мумкин. Тошкентнинг марказидаги бўлмиш “Ўқчи-Олмазор” маҳалласи ўрнида, Ботир Зокиров, Фурқат кўчалари ҳамда Алишер Навоий, Ислон Каримов шохкўчалари, оралиғида бунёд этилмоқда (1-расм).

Бошланғич лойиха ишлари 2006-йил “Jisong Korea Industrial” Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасига бириктирилган бўлиб, унга кўра, бу худудда ховузлар, дам олиш масканлари, 24 қаватли турар-жой бинолари мўлжалланган эди. Бир неча сабабларга кўра лойиха амалга оширилмади.

2016-йил “Тошкент-Сити” халқаро бизнес маркази кансепцияси ишлаб чиқилди. 2017-йил 28-июлда “Тошкент-Сити” халқаро молия корпорациясини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қурилиш ишларини 8 босқич (лот)да олиб бориш режалаштирилди.



1-расм. “Тошкент-Сити”

Қурилиш ишларининг биринчи босқичи 2017-йил октябрь ойида бошланди.

1-лот “Gardens Residence” тўққиз турар жой бинолари мажмуасидан иборат бўлиб, ўзида 1180 та хонадонни жамлаган, 9 қаватли, ҳар бири хашаматли пентхаусларга эга иморатлардан ташкил топган. 89 518 м² ер майдонига эга. Навоий шохкўчаси бўйлаб жойлашган (2-расм). Биноларнинг умумий майдони 44 260 м². Уларнинг биринчи қаватларида спорт-сағломлаштириш марказлари, фитнес зал, ёпиқ бассейн, сауна ва 500 ўринли ерости автотураргоҳ мавжуд, Мажмуа худудида болалар учун ўйин майдони ва “Invento International School” болалар боғчаси мавжуд.



2-расм. 1-лот “Gardens Residence”.

Фурқат кўчаси бўйлаб жойлашган замонавий боғчада болалар қобилиятини ривожлантириш мақсадида 16 та интерфаол синфлар, йўл ҳаракати қоидалари хонаси, тасвирий санъат ва мусиқа хонаси, мажлислар зали, спорт зали, сузиш хавзалари ҳамда ҳақиқий “KIDZANIA”, шаҳарнинг кичик кўриниши жойлаштирилган хоналари мавжуд. Ички безакларида 90% ёнғинга қурилиш материалларидан фойдаланилган (3-расм).



3-расм. “Invento International School”.

2-лот “Central Plaza” “А” синфга мансуб 4 қаватли савдо мажмуаси. Бешта кўп функцияли осмонўпар бинолардан иборат. Улардан иккитаси 20 қаватли бўлиб, “Ақилли уй” технологиси билан жиҳозланган квартиралардан иборат. Қолган учта бино 21 қаватли, баландлиги 75 метрни ташкил этади. Уларда офислар, савдо марказлари, соғломлаштириш мажмуалари, бассейн, фитнес маркази, кафе ва ресторанлар жойлашган. Навоий шоҳқўчаси ва Ботир Зокиров кўчаси кесишмасида жойлашган (4-расм). Умумий майдони 4,5 гектар ташкил этади.



4-расм. 2-лот “Central Plaza”.

3-лот “Hyper Partner Center” худудида 224 914 м² майдонга эга Ўзбекистондаги энг йирик савдо маркази “Tashkent Mall”, ундан “Пахтакор” метро бекатига чиқиш йўли мавжуд. “Marriott” бренди остидаги беш юлдузли меҳмонхона ўттиз бир қаватдан иборат, баландлиги 128 метрни ташкил этади. 119 метрни ташкил этувчи ўттиз қаватли турар-жой биноси ва 115 метрли, йигирма тўққиз қаватдан иборат “А” тоифали бизнес марказларини қамраган мажмуа Ботир Зокиров шоҳқўчаси бўйида жойлашган (5-расм).



5-расм. 3-лот “Hyper Partner Center”.

4-лот “Nest One” Ислом Каримов ва Ботир Зокиров шохкўчалари кесишмасида жойлашган. 761 та турар-жой хонадонлари ва 33 та жамоат жойларига эга. Комплексинг марказий ва энг баланд биноси ҳисобланади. 14 779 м² ҳудудни эгаллаган, умумий майдони 187 284 м²ни ташкил этади. Баландлиги 266,5 метр, эллик бир қаватдан иборат бу мажмуа “Ақилли уй” технологияси билан жиҳозланган. (6-расм).



6-расм. 4-лот “Nest One”.

5-лот “Конгресс-холл” ва “Hilton” меҳмонхонаси. Конгресс-холл ораликдаги кўприк орқали “Hilton” меҳмонхонаси билан боғланади. Унинг умумий майдони 43 000 м² ташкил этади. Бинонинг биринчи қаватида 3 500 кишига мўлжалланган анжуманлар зали мавжуд. Меҳмонхона 258 та хона, жумладан 8 та презитентлик хоналаридан иборат бўлиб, 21 қаватни ташкил этади. Ислом Каримов кўчаси бўйида жойлашган (7-расм).



7-расм. 5-лот “Конгресс-холл” ва “Hilton” меҳмонхонаси

6-лот “Finans centr” 33 қаватли тўртта осмонўпар бинолардан иборат. Ўзбекистоннинг илғор банклари “Асака Банки”, “Саноат Қурилиш Банки” ва “Алоқа Банки”нинг бош офислари, “А” тоифали бизнес офислар мавжуд йирик молия маркази биноси. Ислом Каримов кўчаси бўйида жойлашган.



8-расм. 6-лот “Finans centr”.

7-лот “Boulevard Residence” турар-жой мажмуаси 110 000 м² худудда барпо этилган. Шахар ичидаги шаҳарча деб тариф берилган бу маконда аҳолининг кундалик еhtiёжларини кондирувчи барча шарт-шароитлар яратилган. Архитектураси “Барселона” кварталларини эслатади. 3000 ўринлик ерости автотураргоҳи мавжуд. Фурқат кўчаси бўйида жойлашган (9-расм).



9-расм. 7-лот “Boulevard Residence”.

8-лот “Toshkent City Park” худудида Тошкент планитарияси биноси, 450 ўринли Анфитеатр, 4010 м² болалар ва 560 м² спорт майдончаси мавжуд. 15 200м² гуллар боғидан ташқари, унинг марказида 15 гектарни ташкил қилувчи узунлиги 200 метр бўлган мусиқали фаввора ва боғ атрофи бўлаб 1740 метр узунликда велосипед йўлагидан иборат. XX-аср бошларига тегишли, Орифжонбой ота масжиди ҳамда XI-асрда қурилган Ешонзодалар сулоласи қабри сақланиб қолган ва тикланган. Комплекснинг марказида жойлашган.



9-расм 8-лот “Toshkent City Park”

Хулоса ўрнида шу нарсани айтиш мумкинки, Тошкент-Ситидаги энг янги иншоотлар бугунги кун талабларига мос равишда бунёд этилмоқда. Айни вақтда унинг худудида жойлашган ёдгорликлар бу худуд узоқ тарихга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Фойдаланилган манбалар

1. Тошкент, энциклопедия, Тошкент, 2009.
2. https://uz.wikipedia.org/wiki/Tashkent_City
3. <https://www.gazeta.uz/ru/2017/10/25/ukchi-olmazor/>
4. <https://daryo.uz/2017/10/14/tashkent-cityda-balandligi-40-qavatgacha-bolgan-osmonoparbinolar-quriladi>
5. <https://yandex.ru/images/>